

Хурматли
йиғилиш қатнашчилари!

“Асака” банки 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябр даги ПҚ-1438-сонли Қарори талабларини ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларнинг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларни ресурс базасини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли қарорини ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишларни амалга оширди ва қуйидаги кўрсаткичларга эришди.

Асосий кўрсаткичлари

2015 йил 1 июль ҳолатига банкнинг жами активлари **6,2 трлн.сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан (**4,7 трлн.сўм**) **31,2%** га ўсган. Даромад келтирувчи активлар **4,4 трлн. сўмни** ташкил қилиб, умумий активларни **71,1%** ташкил қилди.

Банк капитали жами **874,86 млрд. сўмга** етказилиб, ўтган йилга нисбатан (**759,16 млрд. сўм**) **15,24%** га ўсган.

Банкнинг устав капитали ўтган йилга нисбатан (**437,3 млрд.сўм**) **16,3%** ўсиб, **508,5 млрд.сўмни** ташкил қилди.

Банк даромадининг умумий миқдори **384.1 млрд сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига (**350,5 млрд.сўм**) нисбатан **109.6%** ошган.

Банк фойдаси **58,5 млрд сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилга (**53,8 млрд.сўм**) нисбатан **108,6%** га ошган.

Кредит қўйилмалар.

жами кредит қўйилмалари **2.88 трлн. сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **121,1** фоизга ўсган (**2.38 трлн.сўм** бўлган).

Кредит қўйилмаларнинг **542.8 млрд. сўми** (кредит портфелни **18,8%**) қисқа муддатли кредитлар ва **2,3 трлн. сўми (81,2%)** узоқ муддатли кредитларни ташкил этади.

2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида банк томонидан жами **446.0 млрд. сўм** миқдорида инвестиция кредитлари ажратилган.

2015 йил 1 июль ҳолатига инвестицион кредитлар бўйича қолдиқ **1,99 трлн. сўмни** ташкил қилди.

Банк кафолатлари ва аккредитивлар

2015 йилнинг ўтган даврида Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида **74,4 млрд.сўм** миқдоридаги **22 та банк кафолатлари** берилган, очилган аккредитивлар бўйича қолдиқ **742,2 млрд. сўмни** ташкил қилади.

Узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги “2015 йилги Давлат инвестиция дастури” тўғрисидаги ПҚ–2264-сонли қарорига мувофиқ Банк зиммасига Жаҳон банки Халқаро Ривожланиш Ассоциациясининг “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш” бўйича **8,0 млн. АҚШ доллари** 2 чоракдан бошлаб жалб қилиниши режалаштирилган.

2015 йилнинг май ойида линия бўйича **3та** лойиҳа молиялаштирилиши очилди (**Мубарек ГПЗ, Шуртаннефтеганз УШК, Муборакнефтегаз УШК**). Жами **3,97 млн.АҚШ доллар** миқдорида маблағлар жалб қилинган ва ўзлаштирилган.

Бугунги кунда самарали лойиҳа ташаббускорлари билан молиялаштириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги “2013-2015 йилларида Хоразм вилоятида саноатни ривожлантириш дастури тўғрисидаги”ПҚ-1856-сонли ва 2014 йил

17 ноябрдаги “2015 йилга Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2264-сонли Қарорларига мувофиқ “Hazorasp Textil” МЧЖга янги технологик ускуналар сотиб олиш ва жихозлаш орқали ишлаб чиқаришни модернизация қилиш белгиланган. Бунга кўра, жами инвестиция миқдори **25,9 млн. АҚШ. доллар**, шундан 2015 йилда **20,9 млн.доллар** миқдорида инвестиция киритилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунгача Банк томонидан **14,5 млн. АҚШ. доллар** эквиваленти миқдорида инвестициялар киритилди.

Шу муносабат билан корхонага янги технологик ускуналарини сотиб олиш мақсадида "RieterMachine Works Ltd" (Швейцария) компанияси билан **12,3 млн. АҚШ. доллар** миқдорида ва "Reiter Uzbekistan" МЧЖ ҚҚ билан **4 000,0 млн.сўм** миқдорида шартномалар тузилди.

"RieterMachine Works Ltd" (Швейцария) билан тузилган шартнома бўйича шартноманинг 15 фоиз миқдорида 1852 млн. АҚШ. доллар миқдорида банк кафолати берилди. Бугунги кунгача 1 543 минг АҚШ. доллар миқдорида маблағ конвертация қилинди ва ушбу суммага аккредитив очилди.

Ушбу шартнома бўйича корхонага 10,81 млн. доллар миқдорида маблағни конвертация қилиш учун амалий ёрдам зарур. Маблағларнинг ўз вақтида конвертация қилинмаслиги оқибатида:

- технологик ускуналарнинг етказиб кеч

етказиб берилиши ва лойиҳани инвестиция дастури бўйича ишга тушириш муддатини кечикишига;

- хорижий валюта курсининг ошиб кетиши натижасида лойиҳа учун ажратилган маблағлар етишмовчилиги юзага келиши мумкин.

"Reiter Uzbekistan" МЧЖ ҚҚ билан тузилган шартнома бўйича **15 фоиз** миқдорида, яъни **600,0 млн.сўм** олдиндан тўлов амалга оширилди. Хозирда ушбу компаниялар томонидан технологик ускуналарни тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Корхонада қурилиш монтаж ишлари олиб бориш учун "NB Max Servis" МЧЖ томонидан лойиҳа смета хужжатлари ишлаб чиқилди ҳамда лойиҳа Ўзбекистон республикаси Давлат Архитектура Қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан экспертизадан ўтказилди. Шу муносабат билан бош пудратчи ташкилотни аниқлаштириш учун 27.12.2014 йилда тендер эълон қилинди. Лойиҳанинг суммаси **15 183,6 млн.сўмни** ташкил қилади.

Қурилиш ишларини бажариш учун бош пудратчи ташкилотни аниқлаш мақсадида 27.12.2014 йилда тендер эълон берилган. 17.03.2015 йилда ўтказилган тендер комиссияси йиғилиши натижасига кўра ғолиб ташкилот деб "Қурилиш Бинокор Шуманай" МЧЖ эълон қилинган. Тендер ғолиби билан 03.04.2015 йилда **14490,6 млн.сўмлик**

шартнома тузилган. Бош пудратчи ташкилот томонидан корхона қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Корхонага қурилиш ишларини бажариш учун маблағ ажратилмаганлиги сабабли қурилиш ишлари вақтинча тўхтатилган. Ушбу масала бўйича "Nazorasp Textil" МЧЖнинг устав фондиди ошириш бўйича "Асака" Банк Кенгаши томонидан кўриб чиқилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун 1 июль ҳолатига 647,2 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредит маблағлари ажратилди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 130,0 фоизни ташкил этди (йиллик режа 100,1 фоизга бажарилди);

Ажратилган микрокредитлар ҳажми 40,8 млрд. сўмни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 130,0 фоизни ташкил қилди. Ўрнатилган режага нисбатан 101,7 фоизга бажарилди;

Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш га 57,6 млрд.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 130,0 фоизни ташкил этди (режа 101,1 фоизга

бажарилди);

ЎзР. Президентининг ПҚ-1047-сонли қарорига асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга **133,9 млрд. сўм** миқдоридан кредитлар ажратилган, Марказий банк томонидан белгиланган режа **100,1 фоизга** бажарилган. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бу кўрсаткич **131,8 фоизни** ташкил этди;

ЎзР. Президентининг ПҚ-1050-сонли қарорига асосан ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга **158,4 млрд.сўмдан** ортиқ кредитлар ажратилди ва Марказий банк томонидан белгиланган режа **102,1 фоизга** бажарилди. Ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткич **133,0 фоизни** ташкил этди;

Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар ҳажми **5,9 млрд.сўм бўлиб**, Марказий банк томонидан белгиланган режа **109,4 фоизга** бажарилган. Ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткич **130,0 фоизни** ташкил этди, шунингдек, Таълим муассасалари битирувчиларига ажратилган кредитлар ҳажми **5,6 млрд.сўмни** ташкил этди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида “Асака” банк томонидан жами ажратилган кредитлар ва

молиялаштирилган лойиҳалар эвазига **13 000 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.**

Лизинг амалиётлари бўйича

2015 йилнинг 1 июль ҳолатига лизинг амалиётлари ҳажми **21,1 млрд. сўмни** ташкил қилиб, **33 та** хўжалик субъектига кўрсатилган лизинг хизматлари натижасида **356 тадан** ортиқ янги иш ўринлари яратилган.

Банк депозитлари бўйича

2015 йил 1 июль ҳолатига жисмоний ва юридик шахсларнинг **банкдаги жами депозитлари миқдори** (талаб қилинганча, жамғарма, муддатли, бошқа депозитлар, депозит ва жамғарма депозит сертификатлари ва облигациялари) **3,95 трлн. сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан **946,29 млрд. сўм ёки 31,46%га** кўпайган.

2015 йил 1 июль ҳолатига Аҳоли омонатлари қолдиғи **542 млрд.сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилга (**469 млрд.сўм**) нисбатан **73 млрд.сўмга** ёки **116%** кўпайди. Муддатли омонатлар **392 млрд.сўмни** ташкил этиб, ўтган йилга (**329 млрд.сўм**) нисбатан **63 млрд.сўмга** ёки **119%** ортди.

2015 йил 1 январь ҳолатига аҳоли омонатлари қолдиғи **491 млрд.сўмни** ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига **542 млрд.сўмни** ташкил этиб, **52 млрд.сўмга** ёки **111%** га ошган.

Банк бўйича жами **42 та** омонат тури мавжуд

бўлиб, шундан **25 таси** миллий валютадаги ва **17 таси** хорижий валютадаги омонатлардир.

Омонатчилар сони **1 504 мингта** (п/к 1 416 мингта) етди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан омонатчилар сони **1 399 мингта** (п/к 1 339 мингта) бўлган. Ёки ўтган йилга нисбатан омонатчилар сони **105 мингтага** (п/к 77 мингтага ва омонатчилар 28 мингтага) кўпайди.

2015 йил 1 январь ҳолатига омонатчилар сони **1 421 мингтани** (п/к 1 359 мингта) ташкил этган бўлса, жорий йил 1 июль ҳолатига **1 504 мингтани** (п/к 1 416 мингта) ташкил этди ёки **83 мингтага** (пк 57 мингта ва омонатчилар 26 мингта) ошди

Пул муомаласи

2015 йил 1 июль ҳолатига банк филиалларига жами **1 319 млрд. сўм** нақд пул маблағлари кирим қилинган. 2015 йилнинг биринчи ярим йил мобайнида банкнинг (автомобил савдоси тушуми билан) савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи мижозлари томонидан **1 062 млрд.сўмлик** тушум булган.

Савдо ва пуллик хизматдан **172 млрд.сўмлик** нақд пулда тушум бўлган. Ўтган йилнинг мос даври мобайнида **159 млрд. сум** тушум бўлган, ёки **13 млрд сумга** ортган (108%).

Бундан ташқари пластик карточка орқали **663 млрд. сўмлик** тушум бўлган. Ўтган йилнинг мос

даврида 512 млрд. сўмлик пластик карточка орқали туловлар бўлган, ёки 151 млрд. сўмга ортди. (130%)

Бошқа тушумлардан (коммунал хизматлар, солиқлар, ўқиш пуллари (валютада сотувидан ташқари) **236 млрд. сўмлик** нақд пулда тушум бўлган.

2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида валюта сотувидан **21 млрд. сўм** тушган. Ўтган йилнинг шу даврида 27 млрд. сўмлик тушум бўлган.

Пластик карточкалар бизнесини ривожлантириш бўйича.

Банк томонидан жами **1 524 минг дона** пластик карточкалари муомалага чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **151.7 минг тага** кўпайган.

2015 йил 1 июль ҳолатига банк томонидан **10049 тадан ортиқ** терминал ўрнатилди, шундан **9093 таси** савдо терминали, **222 таси** коммунал тўловлар қабул қилиш учун, **945 таси** банклар, минибанклар ва махсус кассаларга ўрнатилган.

Пластик карточкалар орқали амалга оширилган савдо айланмалари хажми **803.7 млрд.сўмни** ташкил қилди. Савдо айланмалар хажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **20%га** ёки **133.1 млрд. сўмга** кўпайган. Коммунал тўловлар хажми **34,0 млрд. сўмни** ташкил қилди.

Банк тизимда **27 та** банкомат ва **46 та** инфокиоск аҳолига ва банк мижозларига хизмат кўрсатиб турибди.

Рейтинг кўрсаткичлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорни бажариш мақсадида «Асака» банк мустақил халқаро рейтингини олиш учун бир қатор чораларни амалга оширган.

Жумладан, 2015 йил 22 январда «**Moody’s Investors Service**» халқаро рейтинг агентлиги «Асака» банк рейтингини тасдиқлади ва барча рейтинглар истиқболи **«БАРҚАРОР»** деб топилди.

2014 йил 29 июлда «**Fitch Ratings Ltd**» халқаро рейтинг агентлиги «Асака» банкининг тўловга қобилиятлигини **«БАРҚАРОР»** деб тасдиқлади.

«**Fitch Ratings Ltd**» билан рейтинг учрашув 2015 йилнинг 22 июнида бўлиб ўтди. Рейтингларни янгиланиши 2015 йилнинг 3 чорагига режалаштирилган.

Хозирги кунда «Асака» банк «**Standard & Poor’s**» халқаро рейтинг агентликлари билан ҳам ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда.

Банк балансига қабул қилинган банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини

тиклаш ва уларни янги инвесторларга сотиш бўйича

Банк балансига қабул қилинган банкрот корхоналар ва мулкый мажмуаларнинг умумий сони 49 тани ташкил этиб, шундан 16 та банкрот корхоналар негизида банкнинг 14 та шўъба корхонаси ташкил қилинган.

Ташкил этилган Банк корхоналарига жами **61,7 млрд. сўмлик** инвестиция, шундан, **59,7 млрд. сўм** пул маблағлари, **1,5 млрд. сўм** қурилиш монтаж ишлари **0,4 млрд. сўм** зарурий эҳтиёт ва бутловчи қисмлар кўринишида киритилди.

2015 йилнинг 1 июл ҳолатига **46 та** банкрот корхоналар янги сармоядорларга **328,8 млрд. сўмга** сотилган. Шундан **126,6 млрд. сўмлик** (39%) банк ҳисобрақамига келиб тушган, **29,2 млрд. сўмлик 15 та** корхона ва мулкый мажмуа (**18 та** олди-сотди шартнома) бўйича мажбуриятлар сармоядорлар томонидан тўлиқ бажарилган.

Ишлаб чиқариш фаолияти тикланган банкрот корхоналарда 2010-2014 йиллар давомида жами **389,6 млрд. сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқарилди ва **50,9 млн. АҚШ долларлик** маҳсулот экспорт қилинди.

2015 йил январ-июн ойларида **33,7 млрд. сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқарилди ва **5,3 млн. АҚШ долларлик** маҳсулот экспорт қилинди

Банк корхоналари ва янги инвесторга сотилган

48 та мулкий мажмуалар негизида **4126** нафар иш ўринлари яратилган.

Эътиборингиз учун раҳмат!